

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА**

**МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**“УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА” КАФЕДРАСИ**

**“ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ МИЛЛИЙ ҒОЯ РУҲИДА  
ТАРБИЯЛАШ УСУЛЛАРИ” мавзусидаги**

**Б И Т И Р У В   М А Л А К А В И Й   И Ш И**

**Бажарди:** “Бошланғич таълим ва  
спорт тарбиявий иш” таълим

йўналиши битирувчи 4 курс

талабаси Абраева Д.

\_\_\_\_\_  
**ИЛМИЙ РАҲБАР:**

ўқитувчи Ачилов Н.

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.

\_\_\_\_\_ сонли баённомаси “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2014 йил

**ТЕРМИЗ – 2014**

# **ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ МИЛЛИЙ ҒОЯ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ УСУЛЛАРИ**

**Режа:**

## **Кириш**

I.Боб. Бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг илмий-педагогик асослари.

I.1. Миллий ғоя мазмуни ва моҳияти.

I.2. Бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг мавжуд ҳолати

II.Боб. Ўқиш дарсларида ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг усул ва воситалари.

II.1. Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялаш усуллари.

II.2. 4-синф ўқиш дарсларида ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш имкониятлари.

Умумий хулоса ва тавсиялар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Мустақиллик Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Бундай ўзгаришлар натижасини миллий истиклол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларида ҳам кўриш мумкин. Бу табиий, зеро, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади.

«Миллий ғоя ва истиклол мафкураси ҳақида гап борар экан, -деб таъкидлайди Юртбошимиз, - биз ниҳоятда кенг қамровли, мураккаб, серқирра, инсоният тарихида аниқ ва мукаммал ифодаси, тугал намунаси ҳали-ҳануз яратилмаган тушунчаларни ўзимизга тасаввур қилишимиз керак, деб ўйлайман. Бу тушунчалар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби юксак ғояларнинг маъно-мазмунини теран англаб етишга хизмат қилади»<sup>1</sup>

Шу нуктаи назардан қараганда, жамият аъзоларининг интилишлари ва орзу умидларини ўзида мужассамлаштирган, уларни ҳаётий мўлжаллар билан қуроллантирадиган, эзгу мақсадларга сафарбар этадиган миллий ғоя концепциясининг ишлаб чиқилгани ижтимоий жараёнлар ривожига мустаҳкам мафкуравий замин яратди. Бу миллий истиклол ғоясининг ўзига хос хусусиятлари унинг жамият тараққиётига таъсирини ўрганиш долзарб илмий муаммога айланганини кўрсатади. Кўп миллатли давлатда миллатлараро тотувлик ижтимоий барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Унинг қарор топишида жамият ривожланишининг

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9. -Т.: «Ўзбекистон», 2001, 221-222 б.

устувор йўналишлари, турли ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучларнинг пировард мақсадларини ифодаладиган ғоявий жараёнлар ҳам катта ўринни эгаллайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий ғояни миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга хизмат қилувчи омил сифатида жамият тараққиётининг ҳозирги даврига хос бўлган хусусиятларни чуқурроқ англаб етиш имконини беради. Дунёда чуқур ўзгаришлар содир бўлаётган бугунги кунда Ер юзининг турли нуқталарида миллатлараро низоларни келтириб чиқарувчи зиддиятлар сакланиб қолмоқда. Ушбу зиддиятларни бартараф қилиш, уларнинг олдини олиш кишилик жамияти тарихий-тадрижий ривожланишини таъминлашнииг муҳим шарти бўлиб қолмоқда. Бу амалдаги миллий сиёсат моделларининг моҳияти, уларнинг мафкуравий асосларини илмий ўрганишни долзарб қилиб қўймоқда.

Миллат ва миллий ғоя масаласи долзарблиги глобал, минтақавий ва ҳудудий геосиёсатда этник омил ролининг ошаётгани билан ҳам белгиланади. Бу ҳол, давлатнинг ва минтақанинг хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган этник ва миллатлараро можаролар келиб чиққудек бўлса, уларнинг олдини олиш мақсадида мазкур жараёнларни мунтазам равишда ижтимоий таҳлил этиб боришни зарур қилиб қўяди. Мазкур мавзунинг долзарблигини яна қуйидагилар билан асослаш мумкин.

Биринчидан, миллий истиколол ғояси жамият маънавий ҳаётининг узвий қисми, кишилар, ижтимоий ва этник гуруҳлар фаолиятининг дастурига айланиб бормоқда. Бу миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг ижтимоий-тарихий моҳияти ва этник жараёнлар билан ўзаро алоқадорлигини ўрганишни ҳаётий-амалий эҳтиёжга айлантирмоқда.

Иккинчидан, одамлар, турли ижтимоий қатламлар, миллатлар ва элатлар онгини эгаллаб забт этиш ғоявий курашнинг асосий мақсадига айланиб бораётгани дунёнинг мафкуравий манзарасига хос хусусиятлар, хукмрон майллар ривожланишини, унинг шаклланишида этник омилнинг ролини ўрганиш ва бундан келиб чиққан ҳолда, мавжуд мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш, миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни фалсафий таҳлил этишнинг ҳаётий аҳамиятга эгалигини кўрсатади.

Учинчидан, кўп миллатлилик шароитида миллатлараро муносабатларни такомиллаштирмай, турли миллат ва элат вакиллариининг ижтимоии жараёнлардаги тўлақонли иштирокини таъминламай туриб, жамият ҳаётини ҳар томонлама янгиланишини тасаввур қилиб бўлмайди. Узоқ йиллар давомида кишилар онгида шаклланган стереотиплар қайта кўриб чиқиляётган ҳозирги даврда бу айниқса муҳимдир. Қайд этилган ҳолат мустақилликка эришган Ўзбекистон миллий сиёсатининг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама ва чуқур ёритиб беришнинг зарурлигини курсатади. Бу ўз навбатида бир қатор саволларга жавоб топишни талаб қилади.

Ўзбекистон миллий сиёсатининг ўзига хослиги нимада? Миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштиришга ва юзага келаяётган муаммоларни ечишда нималарга эътибор берилмоқда? Демократик кадриятлар устуворлигини таъминлаш борасида олиб бориляётган ишлар миллий манфаатларни рўёбга чиқариш жараёнига қандай таъсир қилмоқда? Ушбу саволлар Ўзбекистон миллий сиёсатининг ғоявий асослари ва амалий натижаларини таҳлил қилишни талаб қилади.

Тўртинчидан, миллий истиклол ғоясини тарғиб қилиш ва миллатлараро тотувликни қарор топтиришда мақсадли ва

тадрижий амалга ошириладиган мафкуравий тарбиянииг ўрни бекиёсдир. Бу ушбу соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиши йўллари тизимий ўрганишни талаб қилади.

Қайд этилган омиллар узвий бирликда миллий истиқлол ғоясининг миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришдаги ўрни ва ролини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этииш заруратини белгилаб берди.

«Эндиги вазифамиз шундан иборатки, миллий истиқлол ғояси тушунчалари асосида кенг жамоатчилик, зиёлиларимиз, илм-фан ва маданият намояндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари миллий мафкурани такомиллаштириш ҳамда унинг асосий тамойилларини одамлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтаришлари зарур»<sup>1</sup> деб таъкидлайди мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов.

Ҳар қандай миллат, ҳар қандай халқ бор экан, унинг ўз манфаатлари, ўз мақсад ва орзу-умидларига эга бўлиши табиий. Ана шу орзу-умидлар ва мақсадларни ифода этадиган, уларни руёбга чиқариш учун халқни сафарбар қиладиган ғоялар эса муайян мафкурага асос бўлади. Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-умидларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

Шу маънода, Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагини бири-бири билан боғлайдиган асрий орзу-истакларни амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир. Миллий ғоя унинг моҳияти ва

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9. -Т.: «Ўзбекистон», 2001. 221-б. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласидаги сўз бошидан.

мазмунини чуқур ўрганиш ва ёшлар онгига сингдириш долзарб масалалардан биридир. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, мавзунинг бугунги кундаги долзарблиги тадқиқот иши мавзусини **“Ўқиш дарсларида ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш усуллари”** деб танлашга асос бўлди.

**Битирув малакавий ишнинг мақсади:** Ўқиш дарсларида ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг имкониятларини аниқлаш орқали, ушбу жараён учун самарали воситалар тизимини ишлаб чиқиш.

**Битирув малакавий ишнинг объекти:** ўқиш дарсларида бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялаш жараёни.

**Битирув малакавий ишнинг предмети:** ўқиш дарсларида бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг мазмуни, шакл ва методлари.

**Битирув малакавий ишнинг вазифалари:**

- бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялаш долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш;
- ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг мазмуни, восита ва аҳамиятини тушунтириш.
- бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялашга йўналтирилган ўқиш дарсларининг самарадорлик даражасини аниқлаш ва ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялашга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Битирув малакавий ишнинг методлари:** ишда қуйидаги методлардан фойдаланилди. Мазкур мавзуга оид фалсафий, социологик, педагогик, психологик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- миллий ғояни ёшлар онгига сингдиришга оид педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш. Кузатиш, суҳбат, тест, анкета

сўровномалари, тренинг, мустақил ишлаш, педагогик тажриба ва синов ишлари.

**Битирув малакавий ишнинг методологик асослари:** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида кўтарилган миллий ғоя руҳида тарбиялаш муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақидаги қарашлар; «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган Давлат дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари; меъёрий ҳужжатлар; Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқ ва маърузалари, асарлари, педагогиканинг назарий асослари ва миллий ғоя руҳида тарбиялаш усулларига яхлит ёндашиш, мавзуга оид илмий-педагогик, фалсафий манбалар ташкил қилди.

**Битирув малакавий ишнинг илмий фарази.** ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш самарадорлиги қуйидаги ҳолатларда юқори бўлиши мумкин, агарда:

- бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялаш аниқ педагогик шарт-шароитлар, муайян таълим мазмуни, воситалари, шакл ва методларига таянган ҳолда шакллантирилса;
- ўқувчиларда миллий ғоя руҳида тарбиялашда аجدодларимиз мероси, тарихий тажрибалардан унумли фойдаланилса;
- таълим бериш жараёнида ўқитишнинг педагогик шарт-шароитлари инобатга олинса;
- ўқиш дарсларида бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён муайян илмий-педагогик тавсияларга таянган ҳолда ташкил этилса, ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш жараёни самарали бўлади.

**Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги:**

-бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялаш долзарб педагогик муаммо сифатида назарий жиҳатдан асосланди;

-бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялаш хусусиятлари кўрсатилди;

-бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг шакл ва методлари такомиллаштирилди;

-бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялашга йўналтирилган ўқиш дарсларининг самарадорлик даражаси аниқланди ва ўқувчиларда миллий ғоя руҳида тарбиялашга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Битирув малакавий ишнингнинг илмий аҳамияти:** бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялашга йўналтирилган амалий ёндошувлар, илмий-методик тавсиялар билан бойитилди.

**Битирув малакавий ишнингнинг амалий аҳамияти:** бошланғич синф ўқитувчиларига битирув малакавий ишнинг натижасида кенг қамровли дидактик материаллар, тавсиялар тақдим қилинди. Бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялашга оид билимлари ва педагогик маҳоратларини оширишда ушбу битирув малакавий иш материалларидан кенг фойдаланиши мумкин.

**Битирув малакавий ишнинг тузилиши** кириш, 2 боб, 4 параграф, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат.

## **I.1. Боб. Бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг илмий-педагогик асослари.**

### **I.1. Миллий ғоя мазмуни ва моҳияти.**

Ўзбекистон диёрида кадимдан турли цивилизация вакиллари, маданий қатламлар, хилма-хил эътиқод ва дунёқарашлар ёнма-ён яшаб келган. Бу ерда яшовчи халқ, юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, бошқа жойдан кўчиб келиб, ўрнашиб колган эмас. Бу замин ота-боболаримиз яшаб утган азалий ва муқаддас макондир. Бу замин Шарк ва ғарбнинг, Шимол ва Жанубнинг, кадим ўтмиш ва Буюк келажакнинг туташган жойи, Марказий Осиёнинг юраги, инсоният тафаккури, фан ва маданиятининг энг кўхна ўчоқларидан биридир. Бу тупрокда жаҳонни хайратга солган цивилизациянинг илдизлари вужудга келган, инсоният тарихининг энг кадимги даврларига мансуб диний ва фалсафий анъаналар шаклланган. Илмий тафаккурнинг мумтоз намуналари бўлган дунёвий, диний, афсонавий қарашлар, дунё фалсафаси дурдоналари мафкурамиз фалсафий негизлариини белгилайди. Юнон файласуфи Гераклит ўзининг Шаркда ўтган ғоявий устозларнинг, «Авесто»дек муқаддас китобда битилган фалсафий фикрларни назарда тутиб, юртимизга «фалсафий тафаккур бешиги»деб таъриф берган эди.

“Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган,- деб таъкидлаган эди Президент И.А.Каримов, - анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига курилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаши, ҳалолликни, мардлик ва сабр-бардошлиликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим. У давлат фуқароларининг буюк мақсад йўлида маънавий яқинлашувига кўмаклашмоғи

керак. Янги мафкуранинг асл маъноси эскича ақидалардан холи бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборатдир<sup>1</sup>”.

Шуни таъкидлаш жоизки, бизнинг цивилизация ўзига хос тафаккур услубига таянади. Бундай тафаккур услуби кўп ўлчовли (яъни бир вақтнинг ўзида бир масаланинг кўп жиҳатларини қамрай олиш), толерант (яъни турлича нуктаи назарлар ва мафкураларнинг бир-бирига дахл этмасдан яшай олиш, ўзгача қарашларга нисбатан тоқатлилиқ ва бағрикенглик) ва очик тизимга эга бўлгани (яъни турлича фикрларга, нуктаи назарларга чегара қўймаслик, ўзгача қарашларнинг кириб келишига тўсқинлик қилмаслик, янгича қарашларга нисбатан тоқатлилиқ) сабабли юртимизда турлича қарашлар ва турлича диний эътиқодлар ёнма-ён яшай олган. Бунга бизнинг заминимизда узоқ вақт ҳам оташпарастлик, ҳам буддавийлик, ҳам яхудийлик, ҳам христианлик, ҳам ислом динлари бўлганини мисол келтириш мумкин.

Бу заминда бир ибодатхона ичида туриб турли дин вакиллари ўзаро мунозаралар олиб борган. Лекин бир-бирининг инсоний шаънига тил теккизмаган. Бундай мунозараларда турли дин ва мазҳаб вакиллари бир-биридан хайрли одатларни ўрганиб олишган, ҳамда ўз динларига тадбик этишган. Шу тариқа турли динларнинг моҳиятидаги энг илғор инсоний анъана ва одатлар халқимиз қалбидан жой олган. Шу сабабли ҳам саховатли заминимизда яшаб ўтган буюк мутафаккирларнинг фалсафий қарашларида инсоний ғоялар устуворлик қилган ва уларнинг таълимотларида воқелик кенг кўламда, теран ва мукаммал ифодаланган.

«Авесто»да ифодаланган фалсафий тамойиллар ва миллий ғоялар, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, олам ва одамнинг яралиши, инсон ва унинг камолоти ҳақидаги диний ва илмий

<sup>1</sup>*Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Т, 1996. - Б.283-284)*

қарашлар, поклик, халоллик, мардлик каби комил инсон сифатлари бугунги дунёқараш шаклланишига самарали таъсир ўтказади.

Буюк донишманд аждодларимизнинг озодлик тўғрисидаги ғоялари, бу борада нихоятда муҳим аҳамиятга молик. Айниқса, ўнлик санок системасини бутун инсоният учун энг кулай бўлган ҳисоблаш тизимига айлантирган, инсониятга «Алгебра»фанини ҳаё этган, алгоритмик кетма-кетлик услуби ҳақидаги илк ғояни кашф қилган ҳамда Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг дунёвий кашфиётлари табиатшуносликка оид бир катор фанларни кашф этиб, том маънода Шарк натурфалсафасининг отаси бўлган, Абу Райхон Берунийнинг ижтимоий-ахлокий қарашлари бугунги кун учун ҳам муҳим. Фалсафа тарихи, мантик, мусикашунослик, ахлоқ сингари соҳалардан ташқари, социологияга оид илк фалсафий системани ишлаб чиққан Абу Наср Форобийнинг адолатли жамият ҳақидаги қарашларининг ўз ўрни бор. Нафакат медицина фанининг асосчиларидан, балки мантик илмида ҳам мутафаккирлардан бири бўлган рационализм ва иррационализмни синтез қилиш асосида инсон руҳиятини нигилистик инкироздан асраб қолган, XX аср ғарб файласуфлари, экзистенциалистлари томонидан ғарбий Европани маънавий тушкунликдап қутқарилишида асос бўлган ана шу ғоя асосчиси - Абу Али ибн Синонинг дуализм таълимоти ҳам бунда ўз ўрнига эга. Мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари, Бобур ва Машраб, Бедил ва Дониш ҳамда асримиз бошидаги маърифатпарвар зиёлиларнинг фаолияти ҳам миллий ғоя ва истиқлол мафкурасининг теран томирларидир.

Миллий истиқлол мафкурасининг фалсафий асоси умуминсониятнинг бой тарихий ўтмишига, шунингдек, кадимги Шарк, Юнон, Рим ва бошқа фалсафа мактабларининг меросига ҳам

таянади. Хусусан Сукрот, Платон, Аристотель сингари мутафаккирларнинг асрлар давомида ўз кадр-кимматини йўқотмай келаётган доно фикрлари, жаҳон фалсафасининг ўрта асрлар ва ҳозирги замон намояндаларининг қарашлари ҳам миллий истиқлол мафкураси тамойилларини асослаш ва бойитиш, уларга ҳаётий руҳ бағишлашда муҳим аҳамият касб этади. Конфуцийнинг фалсафий хикматлари; Платоннинг «ғоялар дунёси ва соялар дунёси» тўғрисидаги таълимоти, Гегель диалектикаси, гуманистик замонавий фалсафий оқимларда илгари сурилаётган ғоялар ҳам миллий истиқлол мафкурасининг умуминсоний асосларидир.

Ўтмиш фалсафаси ғоялари ва тарих сабоқлари мафкурамизнинг маъно-мазмунини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу мафкура халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, тафаккури ва дунёқараши акс этган эртақ ва афсоналардан, миллий кахрамонларнинг ҳаёти ва фаолиятидаги ибратли мисоллардан озикланади. Миллий истиқлол мафкураси шаклланишида «Авесто», «Куръон» ва «Ҳадис»ларда зикр этилган хикматлар, дунёвий ва диний қарашлар, халқимизнинг озодлик, комил инсон тўғрисидаги ғоялари муҳим аҳамият касб этади.

Миллий истиқлол мафкурасининг фалсафаси, унинг маъномазмунини асосий ғоя ва тамойиллари миллий давлатчилигимизни қайта тиклаб, жамиятимизнинг тараккиёт йўлини назарий ва амалий жиҳатдап белгилаб берган Президентимиз Ислам Каримов асарларида чуқур ифода этилган. Бу асарларда мамлакатнинг ривожланиш йўли, унинг ўзига хос хусусиятлари, олдимизга қўйилган улуғвор вазифаларни амалга ошириш имкониятлари кўрсатиб берилган.

Миллий истиқлол ғоясининг асослари, тамойил ва йўналишларини яхши билиб олиш учун юқорида номлари зикр

этилган алломаларнинг асарлари, миллий ва умуминсоний маданий мерос намуналарини чуқур ўрганиш бу борадаги асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонлик ҳар бир фуқаронинг, халқимиз асрлар мобайнида эзгу ният қилиб келган мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлаш муқаддас бурчидир. Бунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, муқаддас она-Ватаннинг ҳаётий манфаатларни юракдан ҳис этган ҳолда уларни руёбга чиқариш учун фаол ҳаракат қилишимиз, курашишимиз зарур. Бу жараён халқимиз манфаатларини, уларни ўзида мужассам этадиган миллий ғояни англаш билан боғлиқ ҳолда кечади. Ватан манфаатлари ҳар бир фуқаро манфаатлари билан узвий боғлангандир. Зеро, Ватаннинг ободлиги халқнинг фаровонлиги билан боғлиқ. Фуқаролари бадавлат мамлакатгина моддий ва маънавий тўқис бўлади. Шундай экан, миллий ғоянинг муҳим тамойилларидан бири инсон кадр-қимматини ҳар томонлама юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишдан иборат. Бунга эришиш учун халқимиз, юртимиз фуқароларининг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлигини янада мустаҳкамлаш талаб этилади. Бу вазифа миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини - мағзини ташкил этади.

Ғоя ва мафкура инсон ва жамиятнинг ўз олдига қўйган аниқ мақсади бўлиб бусиз жамият ўз йўлини йўқотади. «Мақсад дегани,- деб ёзган эди Президент И.А.Каримов, - халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни-

халқ, миллатни-миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин»<sup>1</sup>.

Истиқлол мафкураси - ҳар бир кишининг жамият ҳаётидаги фаолияти, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада ҳис этаётгани ва бажараётганини белгилайдиган маънавий мезон ҳамдир. Миллий истиқлол мафкурасининг юртимизда яшовчи ҳар бир фуқаро учун қадрлилиги шундаки, унинг моҳиятида қуйидаги умуминсоний тамойиллар ётади:

Миллий истиқлол мафкураси:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади». Бинобарин у қонунийликка, умум эътироф этилган талабларга, умуминсоний тамойилларга зид келмайди;

- халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади. Бу миллий мафкурамизнинг тарихий ва маънавий асосга эга эканидан далолат беради;

- адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради. Биламизки, бу улуғ ғоялар истиқлол сари интилган ҳар бир халқнинг эзгу мақсади, ишонч ва эътиқоди бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади;

- юрт тинчлиги, ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу тамойил унинг жамият аъзоларини аниқ мақсад сари йуналтирувчи. уюштирувчи моҳиятга эга эканини ифодалайди;

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6-бет.

- жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистонинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади. Бу олижаноб мақсадларга эришиш фуқароларнинг ҳамжихатлигига, ўзимизнинг бурчимизни қай даражада амалашимизга, эртанги кунга бўлган ишончимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир;

- миллати ва динидан қатъи назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она-Ватанга мухаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради. Бу қоида Ватаннинг муқаддаслигини ҳар бир фуқаро онгига сингдиришга хизмат қилади;

- жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади. Бу миллий истиқлол ғоясининг фикрлар ранг-баранглиги, эътиқод эркинлиги каби демократик тамойилларига амал қилган ҳолда ҳаётга жорий этилишидан далолат беради.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари қуйидагиларда намоён бўлади:

- мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашда ёрдам бериш;

- конун устуворлиги, демократия ва ўз-ўзини бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгалаётганини асослаганлиги;

- миллий ва умуминсоний кадриятларнинг уйғунлигига таяниш;

- халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келиши;

- давлатнинг бош ислохотчи эканлиги ва мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг таъминланганлиги, ўтиш даврида аҳолининг

ижтимоий ҳимояланганлиги, жамият ҳаёти барча соҳаларини эркинлашуви, ислохотларнинг тадрижийлиги тамойилларга хизмат қилиши.

Эътибор берсак, кундалик ҳаётимизда ана шу тамойилларга амал қилиб келинаётганига амин бўламиз. Бу ўз навбатида тинчлик-тотувлик ва барқарор тараққиётимиз асоси бўлиб хизмат қилади. Истиқлол мафкураси халқимизнинг ўзига хос табиати, иродаси, орзу-интилишларини ифодаладиган қуйидаги миллий хусусиятларни замон талаблари асосида янада бойитишни назарда тутади:

- халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги. Бу маҳаллачилик, ҳашар, маросимлар ўтказиш, тўй-томошаларда яққол кўринади;

- жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги;

- ота-она, маҳалла-қўй, умуман жамоатга юксак ҳурмат-эътибор;

- миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат;

- каттага - ҳурмат ва кичикка - иззат;

- меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи - аёл зотиға эҳтиром;

- сабр-бардош ва меҳнатсеварлик;

- ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳоказо.

Истиқлол мафкураси қуйидаги умумбашарий қадриятларни эътироф этади ва улардан озиқланади:

- қонун устуворлиги;

- ҳсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлилик;

- турли миллат вакиллариға ҳурмат ва улар билан баҳамжихат яшаш;

- диний бағрикенглик;
- дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик;
- ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш ва хоказо.

Шу ўринда ҳар қандай ижобий ғоянинг ўзаги бўлган ватанпарварлик туйғуси ҳақида тухталайлик. Бу ҳар бир халқнинг қалбида яшайдиган, жумладан, бизнинг халқимиз учун ҳам энг азиз ва муқаддас бўлган туйғудир. Бу ҳақда кадимги битикларда шундай бир ривоят келтирилади.

Кадимги ҳоқонлардан бирининг юртига қўшни подшодан элчи келибди. У шундай дебди: «Шоҳимизнинг амри шуки, агар ҳоқон ўзининг энг сеvimли тулпорини бизга инъом қилмаса, юртингизга уруш эълон қиламиз». Элчининг бу гапларини вазир ҳоқонга етказибди. Ҳоқон майли юртимнинг тинчлиги учуи сеvimли тулпормдан воз кеча қолай, деб тулпорни бериб юборинглар, дея буйрук қилибди. Шу тариқа юртнинг тинчлиги ва осойишталиги бир оз вақт сақланиб қолибди. Бирмунча вақтдан сўнг ўша подшодан яна элчи келибди ва бу сафар ҳоқоннинг сеvimли канизагини талаб қилибди. Ҳоқон юрт тинчлиги йўлида канизагини ҳам ҳадя қилиб юборибди. Учинчи сафар яна элчи келибди. Унинг муддаосини вазир ҳоқонга шундай баён қилибди: «Шоҳим, юртимизнинг қаровсиз бурчагида озгина тошлоқ жой бор эди, бу сафар қўшни подшо ўша ерни беришимизни талаб қилмоқда. Келинг шу ташландиқ жойни бериб юборайлик, шу билан халқимизнинг тинчлигини яна сақлаб қоламиз». Бу гапни эшитган ҳоқон: «Йўқ» - дебди кескин. «Энди уруш қилмасак бўлмайди. Тулпор ва канизак шахсан менга тегишли эди, шу сабабли уларни осонгина бериб юбордим. Аммо Ватанимиз сарҳадларининг ҳар бир қаричида шу чоққача ўтган ота-боболаримизнинг, биз билан ҳозир бирга

яшаётган ватандошларимизнинг ва келгусида туғилажак фарзандларимиз, нева-чевараларимизнинг ҳаққи бор. Уларнинг ҳаққини ўзгага бериб юборишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Ватаннинг ҳар бир қарич ерини сақлаб қолиш учун энди урушга боришимизга тўғри келади. Халқни сафарбарликка отлангир». Кўриниб турибдики, бу ривоятда Ватан тупроғининг ҳар бир қаричини эъзозлаш фалсафасининг илдизи мужассамдир.

Ғоя сафарбар этувчи улуғвор фикр бўлса, мафкура эса мана шундай улуғвор ғояларни бир бутун яхлит куч қилиб бирлаштирувчи, уюштирувчи, ҳаракатга келтирувчи, бошқарувчи ғоялар тизимидир. Унинг мазмун-моҳияти Президент Ислам Каримов асарларида батафсил ёритилган бўлиб, уларда айна пайтда жамият тараққиётининг бош йўналишини кўрсатувчи миллий истиқлол мафкураси тушунчасининг маъно-мазмунини ҳам очиқ берилган: Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимизга миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини қўяди. “Ягона мафкура ҳукмрон бўлган жойда,- деб ёзган эди Президент И.А.Каримов, - тенглик ва адолат бўлмайди. Биз буни ўтмишдаги аччиқ тажрибамиздан жуда яхши биламиз.

Биздаги мавжуд партия ва ҳаракатлар ҳақиқий демократия шароитида яшаб кўрмаган. Уларнинг ҳар бири ўзини мутлақ ҳақиқат жарчиси деб билади. Тўғриси айтсак, ўзаро ҳурмат, баҳс ва мунозара одоби етишмайди.

Бизнинг жамиятимизда турли партиялар ва ҳаракатларнинг пайдо бўлаётгани ижобий ҳол. Қарашларнинг ранг-баранглиги тўғри йўлни танлаб олишга ёрдам беради. Қайси ғоя инсоний бўлса, одамларга фойдаси тегса, ўша ғоя жамиятга керак.

Келажакда партиялар ва жамоат ҳаракатларининг роли ва мавқеи янада ошади. Қайси партиянинг дастури халққа манзур бўлса, ўша партия ҳокимият тепасига келади. Агар дастурини, берган ваъдаларини бажара олмаса, ўрнини бошқа партия вакилларига бўшатиб беришга мажбур бўлади. Бундай ижобий рақобатлардан халқ факат ютиши мумкин”<sup>1</sup>.

Миллий истиқлол мафкураси кенг халқ оммасининг манфаатларини, мақсад ва идеалларини ифода этади. Миллий истиқлол мафкураси, ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қилади, барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламларнинг - бутун халқимизнинг умумий манфаатларини ифодалайди.

Манфаатлар нималардан иборат? Улар, аввало, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигининг сақланиши, чегараларимизнинг бутунлиги ва дахлсизлиги. Буни юртимизнинг фазо ва вақтдаги яхлитлигини таъминловчи манфаат деб аташ мумкин.

Иккинчидан, юртнинг тинчлиги ва осойишталиги, яъни давлатимизнинг ҳарбий, иқтисодий (энергетик), экологик, информацион ва ғоявий таҳдидлардан муҳофазаланганлиги. Бу юртнинг барқарорлигини таъминлаш борасидаги энг муҳим омиллардандир.

Учинчидан, мамлакатда фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик муҳитини таъминлаш. Бу жамиятнинг ижтимоий пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган манфаатдир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т., 1996. -Б.13.)

Тўртинчидан, ҳар бир оила ва бутун халқнинг фаровонлигини таъминлаш, яъни бадавлатлик манфаати. Бу манфаат фуқароларнинг жамиятда миллий даромадга эгалик қилиш, уни кўпайтиришдаги имкониятлари орқали руёбга чиқади.

Бешинчидан, жамиятда адолат устуворлиги, демократия, ўз-ўзини бошқариш тамойиллари амал қилишининг таъминланиши. Бу манфаат инсон ҳаётининг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланишини ифодалайди. Бундай манфаатлар барча халқ ва ҳамма давлатлар учун бирдай хосдир. Бу манфаатларнинг таъминланиши, энг аввало, ҳар қандай давлат мустақиллигининг асосий гарови бўлиб, шундагина халқ ўз келажагига ўзи эгалик қила олади. Бу манфаатлар муайян жамият фуқароларининг ҳамжиҳат меҳнати ва интилишлари туфайли таъминланади.

Дарҳақиқат, миллий истиқлол мафкурасининг асосий таянч нуктаси ҳам ижтимоий даражадаги миллий ўзликни англата олишдадир. Яъни, миллат ўзини халқ сифатида, эл сифатида англамагунча у ўзининг обрўи, кадр-қиммати, ор-номуси ҳақида қайғура олмайди, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини ҳис эта олмайди. ўзликни англаш - халқни уйғотувчи, фаол ҳаракатга келтирувчи, ижтимоий уюштирувчи куч бўлиб, унинг негизида «бу - бизники» деган эгалик ҳиссиёти ётади. Албатта, бу ҳиссиёт муайян меъёрга бўлганда ижобий хусусият касб этади. Меъёридан ошганда эса у халқни манманликка, тажовузкорликка ундайди, меъёрига етмаганда эса, миллий негизида, тушкунликка, хор-зорликка олиб келади. Шарк ва ғарбда, Осиё ва Европа халқлари ҳаётида ҳам ўзликни англаш туйғусининг уйғониши, пировард натижада, уларнинг юксалишига, бирлашишига, бошқа халқлар билан ижобий мусобакага киришувига туртки бўлган. Шу маънода, бизда ҳам «Ўзбекистон - ягона Ватан» деган туйғу юксак ижтимоий даражада шаклланмоқда.

## **1.2. Бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг мавжуд ҳолати**

Муайян миллатнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос мавқе ва ўринга эга бўлиши унинг кўп сонли ёки кам сонли бўлишига боғлиқ эмас. Аксинча, ўзида миллий хусусиятларни намоён эта олиш, миллат вакиллариининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини чуқур англаш, ўзга миллатларга ҳам моддий ва маънавий жиҳатдан қарам бўлмаслик, мустақил ҳолда мавжуд бўлиши унинг халқаро майдондаги мақомини белгилаб беради. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: “Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади. Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир”<sup>1</sup>-деб таъкидланади.

Халқаро муносабатлар борасида ўз қарашларини дадил билдира олиш, миллат шаъни ва обрўсини ошириш учун курашиш, ўзга миллатларда ўзига нисбатан салбий муносабатлар шаклланишининг олдини олишга интилиш миллат нуфузини янада оширади. Миллатнинг халқаро майдондаги мавқеини белгилашда, шунингдек, жамиятда устувор ўрин тутувчи тараққийпарвар ғоялар, жамият ҳаётининг улар негизида йўлга қўйилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги йилларида жамиятда миллий ғоя асосларини шакллантириш, ёш авлодни ана шу ғоя руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди. Бинобарин, бугунги кунда халқаро муносабатларнинг барқарорлашувида мустақил давлатлар томонидан илгари сурилаётган ғоявий қарашлар етакчи ўрин тутмоқда. Мафкуравий ғоялар кураши, мафкуравий таъсирларнинг тобора кескинлашуви мустақил давлатлар тараққиётига зиён етказишининг олдини

<sup>1</sup>. *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 3 бет, 1992 йил.*

олиш бугунги куннинг долзарб муаммосига айланмоқда. Мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак?

Бунинг йўли – одамларимиз, авваламбор, ёшларимиз онгида миллий ғояни тарбиялаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш, уларнинг “Мен ўзбек фарзандиман”-деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир. Мана шундай олижаноб туйғулар билан, тарих олдида, халқимиз олдида ҳамиша катта масъулият билан яшаш ҳаммамизнинг кундалик ҳаётимиз ва онгу шууримиздан теран жой олиши лозим.

Бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялаш муаммоси ижтимоий характерга эга. Бинобарин, ўқувчиларда миллий ғояни шакллантириш уларни Ватан равнақи, юрт ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундайди. Шунингдек, ўқувчиларда ўзи яшаётган жамиятда тинчлик ва хавфсизликнинг барқарор бўлиши йўлида курашиш, турли миллат ва элатга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро иноқликнинг қарор топишига ўз улушини қўшишга интилиш кўникмаларининг шаклланиши ҳамда миллат вакили сифатида ўз кадр-қимматини англаб етишларини таъминлайди.

Узлуксиз таълим тизимининг етакчи босқичида фаолият юритувчи таълим муассасалари ўқувчиларида миллий ғояни шакллантиришда муайян омиллар мавжуд. “Омил” тушунчасининг моҳиятини англаш билан бирга бу йўлда самарали фаолиятни ташкил этишда муҳим рол ўйновчи омилларни аниқлаб олиш муҳимдир. Юқорида қайд этилган фикрларга мувофиқ муаммо доирасида олиб борилган кузатиш ишларини ташкил этишда кўзга ташланган ҳолатларни таҳлил этиш асосида ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда қуйидаги омилларнинг устувор ўрин тутишига ишонч ҳосил қилдик:

## **1. Субъектив омиллар:**

- жамиятда соғлом муҳитнинг қарор топганлиги, шахснинг ўзлигини англашига ёрдам берувчи ғояларнинг етакчи ўрин тутиши;
- кишилиқ муносабатларининг янгича мазмун касб этиши;
- миллий қадриятларнинг қайта тикланиши, уларни бойитиш йўлида муайян ҳаракатларнинг ташкил этилиши;
- миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига эришиш;
- ижтимоий муносабатларда демократик ғояларнинг акс этилиши;
- ўқувчиларда миллий ғояни тарбиялашда оила, мактаб ва кенг жамоатчилик иштирокининг таъминланишига эришиш;
- шахс онгини шакллантиришга оид умумбашарий тажрибаларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш;
- ўқувчиларда миллий ғоя туйғусини шакллантиришга эътиборнинг қаратилганлиги;
- маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда ўқувчиларнинг истак ва хоҳишларини инобатга олиш, унда ҳар қандай зўрлик ва мажбурловлардан воз кечиш;
- ўқувчиларда миллий ғояни англаш эҳтиёжининг юзага келганлиги;
- ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда дунёқараши кенг, ҳаётий тажрибаси бой, моҳир нотик, мустаҳкам эътиқод ва ўзгаларга ибрат бўла олувчи ҳаёт тарзига эга педагогларнинг кучларига таяниш ва уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирларининг кўрилганлиги;
- ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришнинг мукамал тизими (мазмуни, шакл, метод ва воситалари)нинг яратилганлиги ва ҳоказолар.

## **2. Объектив омиллар:**

- умумий ўрта таълим мактабларида маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини оширишга имкон берувчи замонавий илм-фан,

техника, технология ва маданият ютуқларига асосланган моддий базанинг мавжудлиги;

- ўқувчиларда миллий онгни шакллантирувчи ғоялар сингдирилган ўқув манбалари (ўқув дастури, қўлланма, дарслик, дидактик материаллар ҳамда кўргазмали куруллар)нинг яратилганлиги;

- ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда ахборотли технологиялар (оммавий ахборот воситалари – газета, журнал, радио, телевидение ва компьютер) хизматидан фойдаланишнинг йўлга қўйилганлиги ва бошқалар.

Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғояни тарбиялашда ижтимоий муҳит ва унинг мазмуни ўзига хос аҳамиятга эга. Зеро, ўқувчиларнинг умумий шаклланишига таъсир этгани каби уларда миллий ифтихор туйғусининг қарор топишида ижтимоий таъсирлар етакчи ўрин тутди. Шу боис юқорида қайд этилган омиллар сирасида соғлом муҳитнинг қарор топганлиги талабининг алоҳида кўрсатилганлиги бежиз эмас. Бинобарин, ўқувчилар микро ва макромуҳитда жамоанинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга, муносабатларнинг муҳим томонларига жалб этилади; иккинчидан, унга маънавий қадриятлар юзасидан пухта билим олиш, ижодий фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатиш, маънавий ривожланиш учун кенг имконият яратилади; учинчидан, миллий ғоя асосида мустақил ҳаётга тайёрланади, ўзининг тажрибаси ва маънавий фаолиятини такомиллаштиради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида шахснинг ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб шаклланишини таъминловчи муҳитнинг яратилишига эътибор қаратилди ва бу йўлда кенг қўламли ҳаракат бошлаб юборилди, унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Бироқ, педагогика назарияси ва амалиётидан бизга яхши маълумки, ўқувчиларда миллий ғояни шакллантирилишига сезиларли таъсир этувчи яна бир муҳит мавжудки, айти

вақтда уни ғоявий жиҳатдан такомиллаштириш зарур. Бу муҳит ўқувчиларга мансуб бўлган микромуҳитдир.

Дарҳақиқат, макромуҳит, унда қарор топган ва топаётган ижтимоий муносабатлар мазмуни кўплаб меъёрий ҳужжатларда асослаб берилади ва омманинг бу борада тўлақонли маълумотларга эга бўлиши таъминланади. Унда омма фикрининг инобатга олинганлиги, кўп ҳолларда унинг омма томонидан қабул қилинганлиги оммавий ахборот воситалари, жумладан, газета, журнал, радио ва телевидение саҳифаларида ўз инъикосини топиб боради. Макромуҳитнинг кичик тармоқлари бўлган микромуҳитда устувор бўлган ғоялар ва уларнинг ўқувчи шахси камолотини таъминлашдаги таъсири тўғрисидаги ахборотларни қўлга киритиш осон кечмайди. Ачинарли жиҳати шундаки, кўп ҳолатларда микромуҳитнинг енгил-елпи ҳаёт кечириш, осон йўл билан моддий фаровонликки эришиш каби ғояларга эга бўлишини педагогик, психологик ва фалсафий йўналишларда олиб борилган қатор тадқиқотларнинг натижалари кўрсатмоқда.

Мустақиллик кишилар миллий ғоясини ошириб, уни халқ, Ватан, аجدодлар хотираси олдидаги масъулиятни ҳис қилишдек мазмун билан бойитмоқда. Бундай шароитда ўзбек халқининг мустақиллигидан фахрланиш, жамиятда озод, фаровон ва эркин ҳаётни яратиш йўлида меҳнат қилиш, фаоллик кўрсатиш, жаҳон ҳамжамияти томонидан илм-фан, техника ютуқлари, илғор технологиялардан фойдаланиш миллий ғояни шакллантирадиган, ривожлантирадиган омиллардир. Бу эса, ўз навбатида, кўп жиҳатдан ўсиб келаётган ёш авлоднинг кучи, салоҳияти, бунёдкорлик фаолиятини белгилайди, уларни соғлом миллий ғоя, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусини шакллантириш учун тинмай изланишга сафарбар этади. Бу сафарбарлик ва миллий ифтихорни ўсиб келаётган ёш авлодда қарор топтириш учун олий таълим тизими катта имкониятларга эга. Чунки бугунги кунда ушбу масканларда ўзбек халқининг ўтмиши, аجدодларнинг бой

маънавий мероси, бугунги бунёдкорлик фаолияти кенг кўламда ўргатилмоқда.

"Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсатини инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришни назарда тутди. Модомики, давлат баркамол шахсни тарбиялашни талаб этар экан, бу маънавий кадриятлар, маънавий мерос, миллий ғоя, миллий ифтихорнинг аجدодлар сиймосида намоён бўлганлигини англаб етиши, бу туйғуни ўзида сингдира олиши, жамиятда бу йўлда кенг кўламли маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш керак. Зеро, фақатгина чинакам маърифатли одам инсон кадрини, миллат кадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан курашиши мумкин.

Ўқувчиларда миллий ифтихорни шакллантириш улар онгига миллат тақдири, бугуни ва эртанги кунига ишонч, у томонидан яратилган маданиятдан фахрланиш, уни асраш ва бойитиш йўлида меҳнат қилиш ғояларини сингдиришдан иборат. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида яшаб, ижод этган мутафаккирлар ўз асарларида бола тарбиясига, ёшларда ватанпарварлик, миллий ифтихор туйғусини камол топтиришга алоҳида эътибор берганлар. Ўзбек халқининг ардоқли фарзандлари бўлган аجدодларимиз ўзида миллий ифтихор туйғусини намоён қила олган. Жумладан, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қуйидаги сўзларида миллий мансубликдан ғурурланиш, миллий ифтихор туйғуси яққол намоён бўлади: Биз ўз қисматимизни биламиз. Агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқнинг бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз. Мумкин қадар кўпроқ яхши мактаблар

очиш, шунингдек, маориф ва халқ бахт-саодатини таъминлаш соҳасида тинмай ишлаш бизга ҳайкал бўлади.

Абдурауф Абдурахмон ўғли Фитрат ҳам ўз Ватанини севади, у билан фахрланади, уни ҳар нарсадан муқаддас тутди ва ёшларни Ватанни севишга, ардоқлашга чорлайди. У "Сайҳа" тўпламидаги шеърларидан бирида шундай ёзади:

Ватанни зиёрат қилмоққа

Эрта тонгда кел.

Ҳай-ҳай қандай Ватан бу!

У менинг саждагоҳим,

Осойишим, иззатим, шарафим,

Ҳам каъбам, ҳам қалбим,

Ҳам чаманимдир.

Бу мисралар ватанпарварликнинг юксак намунаси бўлиб, ёшларда миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда алоҳида қимматга эга. Муаллиф Ватаннинг равнақ топиши учун ёшларни дунёвий илмларни эгаллашга даъват этади, бу йўлда ўзи фидойилик намунасини кўрсатади. Фитратнинг фикрича, ҳар бир инсон ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши учун у соғлом фикрли ва пок ахлоқли бўлмоғи керак. Ҳар миллат ўз келажагини ўйлар экан, ёшларга эътиборини қаратмоғи, уларни мунтазам жисмоний, ақлий, руҳий томонидан чиниқтирмоғи лозим.

Мунавварқори Абдурашидхон ўғли болаларга атаб ёзган асарларида Ватанга садоқат ва меҳр-муҳаббат, инсонийлик, тўғрилиқ, меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантиришга эътибор берган. Унинг фикрича, Ватанни севиш, унинг гуллаб яшаши учун меҳнат қилиш ва улғайиш зарур. Шу сабабли аллома болалар қалбига Ватан гўзаллигини сингдириб, уларни Ватан

олдидаги фукаролик бурчини юксак даражада бажарадиган кишилар қилиб камол топтиришни, Ватан ўз фарзандларидан нажот кутиб турганлигини таъкидлаб: “Дунёда она битта, Ватан битта бўлади, бу тушунча ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Ватанни энг суюкли зот таърифи билан ифода этиб "Она-Ватан" деймиз”-дейди.

Республика олимлари маънавий масаласига доир яратган асарларида миллий кадриятлар ва унинг ёш авлодни камол топтиришдаги ўрни ва моҳияти хусусида фикрларини баён қилганлар. М.Қуронов, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳалари, шу жумладан, таълим тизимида ҳам ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги, мамлакатимизда таълимни ислоҳ қилиш ва кадрлар тайёрлаш тизими педагогика фани олдида мураккаб вазифаларни қўяётганлиги, таълимнинг барча бўғинларида ўқитиш ва тарбиялашнинг мақсади, мазмуни, методларига боғлиқ бўлган муаммоларни бажаришга киришилганлиги ҳақида ўз муносабатини билдириб, миллатлараро аҳилликка миллий маданият ва ўзбекона ватанпарварлик, ғурур ва ифтихор туйғуларини умумфукаровий даражада ривожлантириш орқали эришиш мумкинлиги, ҳар бир халқнинг маънавий ва маърифий гуллаб яшнаши - умуминсоний камолот, уйғунликни ҳосил қилиши, ўқувчиларнинг Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий ғурури, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий ғояси, миллий одоби, миллий мафкуравий онглилиги каби фазилатлар, уларни қарор топтириш йўлларини кўрсатиб беради. Бу ўринда муаллиф қуйидагиларни ёзади: Миллийлик-кадриятдир. Миллийликни ўзида мужассамлантира олган ҳар бир инсон - миллий донишмандлик вакили, у ота-боболаридан мерос қолган ўз миллий кадриятларига чуқур ҳурмат билан қарайди, жон дили билан тарғибот қилади. Миллий кадриятларга эътиборсизлик, ҳурматсизликни кўрганда ранжийди, ҳимоя қилади. Тарбия - жамиятнинг асосий вазифаларидан биридир. Жамият эса номиллий бўла олмайди. Тарбия ёрдамида

авлодларнинг синалган, энг маъқул, тараққийпарвар тажрибаси ўзлаштирилади ва янги авлодга етказилади, одамларнинг онги, ҳулкига шу жамиятда қабул қилинган ахлоқ меъёрлари сингдирилади, етакчилик қилаётган мафкура ўзлаштирилади.

Маълумки, мустақиллик, миллий ғоя, миллий тараққиёт каби муқаддас қадриятларни халқ кенг ва теран идрок этмоқда. Қисқа вақт ичида мамлакатимиз ҳаётида оламшумул ўзгаришлар юз берди, Ўзбекистон Республикасининг номи халқаро майдонда мустақил давлат сифатида эътироф этилди. Бу ўзгаришлар одамларнинг онги ва тафаккурига ҳам ижобий таъсир этмоқда. Бинобарин, ўсиб келаётган янги авлод дунёқарашида миллий ифтихор тарзида намоён бўлмоқда. Бу туйғуни ривожлантириш, барқарор эътиқодга айлантириш таълим тизимининг муҳим вазифаларидан биридир. Демак, мустақилликнинг моҳиятини янада чуқур, пухта англаш, Ватанни севиш, у билан фахрланиш, Ватан шарафини ҳимоя қилиш учун ёшлар нималарга эътибор бериши кераклигини таълим-тарбия жараёнида ёшларга сингдириш муҳим аҳамиятга эга.

Объектив ва субъектив омиллар ҳамда мавжуд шарт-шароитларни инобатга олиб, биз бошланғич синф ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш мақсадида, Термиз шаҳар 9-умумий ўрта таълим мактабида педагогик амалиётда бўлдик. Амалиёт давомида тажриба синов ишларини ташкил этдик. Ишимизни бошланғич 1-4 синфларнинг Ўқиш китоби дарслигининг таҳлили билан бошладик. Унга кўра: **1-синф** Ўқиш китоби, муаллифлари Т.Ғаффорова, Э.Шодмонов, Г. Эштурдиевалар, томонидан, 9-нашр, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядолик компанияси бош таҳририяти Тошкен-2013 йилда нашр қилинган. Дарсликда: Ўзбекистон -менинг ватаним, Биз- буюклар авлоди, Кўклам- яшнайти олам, Илм- ақл чироғи, Халқ ўғити –бахт калити, Одоб – инсонга ҳусн, Меҳнатнинг таги – роҳат, Мустақил ўқиш учун каби мавзуларда боблар берилган. Ўқувчиларда миллий ғояни сингдирувчи Ватан бу, Буюклар ватани, Ватан,

Ягонадир ватанинг сенинг, Она ер, Ўзбек элим каби матнлар, ривоятлар, шеър, топишмоқлар, мақоллар, тез айтишлар берилган. Шу ўринда Эсон Раҳимовнинг “Ота рози-Ватан рози” шеърдан қуйдаги тўртликни келтириб ўтамиз:

Ота рози-Ватан рози,

Ўғлонларим, қизларим.

Ватан рози-ота рози,

Яшанг, ўчмас изларим<sup>1</sup>.

**2-синф** Ўқиш китоби, муаллифлари Т.Ғаффорова, Ш.Нуруллаева, З.Мирзаҳакимовалар томонидан, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядолик компанияси бош таҳририяти Тошкен-2012 йилда нашр қилинган. Дарсликда: Она Юртим - олтин бешигим, Мактабим – қутлуғ маконим, китобим – офтобим, Олтин куз – ҳосилинг юз, Меҳнат бахт келтирар, Кумуш қиш - мисоли оққуш, Оталар сўзи - ақлнинг кўзи, Зумрад баҳор баҳридилинг очар, Қушлар, ҳайвонлар - бизнинг дўстимиз, Эртақлар яхшиликка етаклар, Табиатни асранг, авайланг, Ёз ўтади соз каби мавзуларда боблар берилган. Ўқувчиларни ватанпарварлик ҳиссини шакллантирувчи Ватанжоним, ватаним; Ватан ҳақида суҳбат; Биз ватаннинг эртаси; Озод ватан обод ватан; Маънавиятли халқни енгиб бўлмайди; Ўзбекистоним; Шеърим сенга ватаним; Она тилим; Ватан меҳр кўрғони каби матнлар, ривоятлар, шеър, топишмоқлар, мақоллар, тез айтишлар берилган. Маънавият ҳақида “Маънавиятли халқни енгиб бўлмайди” номли ривоятдан қуйдаги парчани келтириб ўтамиз: “Ўзининг маънавий бойлигини бу қадар эъзозлайдиган, маданияти бу қадар юксак тараққий этган халқни асло енгиб бўлмайди”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup>1-синф. Ўқиш китоби, Т.Ғаффорова, Э.Шодмонов, Г. Эштурдиева, 9-нашр, “Шарқ” Т.: -2013 й.

*<sup>2</sup>2-синф Ўқиш китоби, Т.Ғаффорова, Ш.Нуруллаева, З.Мирзаҳакимова  
“Шарқ” Т.: -2012 й.*

**3-синф** Ўқиш китоби, муаллифлари М.Умарова, Х.Ҳамроқулова, Р.Тожибоева томонидан, “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи Тошкен-2012 йилда нашр этирилган. Дарсликда: Она битта Ватан ягона, Халқ оғзаки ижоди, Куз манзараси ва меҳнат, Ўтмишни ўрганиш бурчимиз, Кумуш қиш, Ватан ҳимоячилари, Орзулар қанотида, Улуғлардан ўрганмоқ оқиллик, Келди баҳор гулбаҳор, Табиани севинг ва асранг, Гўзал фазилят инсон ҳусни, 9-май хотира ва қадрлаш куни, Ёз фасли соз фасли каби мавзуларда боблар берилган. Байрамингиз қутлуғ бўлсин; Ватанни суймак; Ўзбекистон; Ватан; Ватанимиз герби туғро ҳақида эртак; Мустақиллик аҳилликдан; Ватан мўътабардир; Она тилим; Ватан ифтихори; Обод маҳалла бўйлаб; Она Ватан; Тошкентим онам; Ватан; Ўзбекистон посбонлари; Биз истиқлол фарзандларимиз каби миллий ғояни сингдирувчи матнлар, ҳикоялар, шеър, топишмоқ, мақол, тез айтишлар берилган. Қуйида Пўлат Мўминнинг “Мустақиллик аҳилликдан” шеърдан қуйдаги тўртликни келтириб ўтамыз:

Севгил она юртингни

Кетказма лафз-бурдингни.

Мағрур тутгил бошингни,

Олдирмагил бошингни<sup>1</sup>.

**4-синф** Ўқиш китоби, муаллифлари С.Матчонов, А.Шожалилов, Х.Ғуломова, Ш.Сариев, З.Долимовлар томонидан, 4-нашр Тошкент “Янги йўл полиграф сервис”-2013 йилда нашр қилинган. Дарсликда: Истиқлолим истиқболим, Ўзбекистон менинг ватаним, Олтин куз, Маънавият қалб қуёши, Халқ оғзаки ижоди, Эртаклар малакатида, Адабий эртаклар, Кумуш қиш, Ватанимиз ўтмишидан, Нима яхши-ю нима ёмон, Ҳайвонот оламида, Зумрад баҳор,

Яшасин тинчлик бор бўлсин дўстлик, Аждодларимиз фахримиз, Жаҳон болалар адабиёти, Ёз ўтади соз каби мавзули боблар берилган. Мустақиллик, *<sup>1</sup>3-синф Ўқиш китоби, М.Умарова, Х.Ҳамроқулова, Р.Тожибоева, “Ўзбекистон” Т.: -2012 й.*

тинчлик ҳақида, Мангуликка татигулик кун; Иқболи буюксан; Озод ватан меҳри; Серқуёш ўлка; Кичик ватан; Саломлашиш одоби; Байрам урф одатлари; Тинчлик қуши ҳақида мен ўқиган шеър; Тинчлик нима каби матн, ривоят, шеър, топишмоқ, мақол ва тез айтишлар берилган. Ватан ҳақида А.Жўраевнинг “Кичик ватан” номли ҳикоясидан қуйдаги парчани келтиришни жоиз деб топдик: “Одамнинг яшайдиган уйи, ҳолвли жойи кичик Ватани. Ана шу кичик Ватанлар йиғилийиғилиб, биргалашиб Ўзбекистон деган улуғ Ватанга айланади”<sup>1</sup>.

Дарсликдаги ҳар бир мисралар ўқувчиларни ватанни ардоқлашга, унинг ҳар бир қарич ерини муққадас билишга қолаверса бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялашга қаратилганлигини гувоҳи бўлдик. Дарсликлар таҳлилидан сўнг бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқиш дарсларини кузатдик. Ўтилган дарслар кўпроқ анъанавий тарзда ташкил қилинганлигини, педагогик технологиялардан фойдаланиш даражаси сустлиги аниқланди. Дарслар охирида ўқувчилар билан савол-жавоблар ўтказилди.

Бошланғич синф ўқитувчилари билан миллий ғоянинг мазмун ва моҳияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилиб уларга қуйдаги анкета саволлари билан мурожат қилинди.

1. Бошланғич синф ўқувчиларида Миллий ғоя ҳақида тушунчаларни сингдириш мумкинми ?

А) ҳа

Б) йўқ

В) баъзида

*<sup>1</sup>4-синф Ўқиш китоби, С.Матчонов, А.Шожалилов, Х.Ғуломова, Ш.Сариев, З.Долимов, 4-нашр Т.: “Янги йўл полиграф сервис”-2013 й.*

2. Ўқувчилар онгида миллий ғояни сингдиришда қандай воситалардан фойдаланиш мумкин ?

А) китоблардан

Б) тадбирлардан

В) оммавий ахборот воситаларидан

3. Ўқиш дарсларида миллий ғояни шакллантирувчи воситаларни айтинг?

А) Шеърлар

Б) Ҳикоялар

В) Эртақлар

Саволномага иштирок этган ўқитувчилар ўз жавобларини қуйдагича изоҳлаб беришди. Биринчи: Бошланғич синф ўқувчиларида Миллий ғоя ҳақида тушунчаларни сингдириш мумкинми? саволига қатнашган 14 нафар ўқитувчидан, 7 нафари ҳа, 2 нафари йўқ, 5 нафари баъзида деб жавоб бердилар. Иккинчи: Ўқувчилар онгида миллий ғояни сингдиришда қандай воситалардан фойдаланиш мумкин? саволига 5 нафари китоблардан, 5 нафари тадбирлардан, 4 нафари оммавий ахборот воситаларидан деб жавоб бердилар. Учинчи: Ўқиш дарсларида миллий ғояни шакллантирувчи воситаларни айтинг? саволига 5 нафари шеърлар, 4 нафари ҳикоялар, 5 нафари эртақлар деб жавоб бердилар.

Таълим муассасаларида ўқувчилар онгида миллий ғояни ривожланиб боришини таъминлашда бу жараёни яхлит ташкил этиш, унда ҳар бир

самарали омилдан мақсадли фойдаланиш, имкониятларни кўра олиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларда миллий ғояни шакллантиришда уларнинг психологик хусусиятлари, шунингдек, ижтимоий қарашлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

## **II.Боб. Ўқиш дарсларида ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг усул ва воситалари.**

### **II.1. Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялаш усуллари.**

Мамлакатимиздаги таълим ислохотларига мос ғоявий таълим-тарбия ҳам «Тараққиётнинг ўзбек модели», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»лари асосида олиб борилмоқда. Шунинг билан биргаликда, бу жараён миллий ғояни ёшлар қалби ва онгига сингдиришга, таълим-тарбия, тарғиб ва ташвиқотнинг самарали илғор услубиятини, шакллари, воситаларни ишлаб чиқиш, уларни ҳаётда амалий жорий этишни тақозо этади.

Бу ерда ҳар бир фанни ўқитиш орқали миллий ғояни ёшлар онгига сингдириш йўллари, усуллари ва воситалари тўғрисида батафсил тўхтала олмаймиз, фақатгина дастлаб ушбу йўналишдаги таълим-тарбияни олиб боришда илгари суриш мумкин бўлган қуйидаги бунёдкор ғоялар категорияларини келтириб ўтаемиз:

- ватанпарварлик - юртга содиқлик, она заминга садоқат, халқнинг эзгу ният билан яшаши, улуғ аجدодларимиз қаҳрамонликлари ва олимлар захматкаш меҳнати маҳсулининг жаҳоншумул аҳамияти ҳамда давлат арбобларининг юрт равнақи, халқ фаровонлиги, маънавияти, юксалишидаги буюк хизматлари ва шу кабилар орқали сингдирилади;
- миллий ифтихор бой миллий маданий-маърифий, иқтисодий, ҳарбий-сиёсий баркамол миллатнинг давомчиси бўлишдек фахрланиш туйғусини шакллантириш орқали сингдирилади;

- инсонпарварлик - инсонни улуғлаш ва севиш яъни Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида тасвирлангандек шахс бўлишга ва ҳадисчи олимлар асарларидаги комилликка эришиш борасидаги тадқиқот натижалари ҳамда «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли рисолада қайд этилган талабларга жавоб берадиган шахсни тарбиялаш жараёнида мақсадга эришилади;

- меҳнатсеварлик - ўз оиласида, маҳалласида, фаолият кўрсатаётган жамоасида, жамоа топшириқларини сидқидилдан бажариш жараёнида амалга оширилади, яъни Ватан равнақи учун хизмат қилишда ушбу категория шакллана боради;

- иймон-эътиқодлилиқ - юксак маънавий камолотга эришишга интилиш жараёнида шаклланади;

- ҳалоллик - ҳаётнинг барча жабҳаларида бунёдкорлик ғояси билан суғорилган ишларни амалга оширишдаги фаолият орқали эришилади;

- эркинлик - бахтимиз қомусида белгилаб берилган қонун-қоидалар асосида иш тутиб, жамият тараққиётининг фаол иштирокчиси бўлиш орқали эришилади;

- маънавий поклик - одамларни ҳалолликка, бағрикенгликка, меҳр-шафқатли бўлишга ва бу борада ўзи ибрат-намуна кўрсатиш орқали эришилади;

- одиллик - атроф-теварақда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларга холисона (ҳаққоний) ёндашиш, кишилар ҳаққидан кўрқиш, жараёнлар ҳақида тўғри фикрни айта олиш қобилиятлари шаклланиши натижасида эришилади;

- байналмилалчилиқ - миллати, элати, халқи, урф-одатларидан қатъий назар, умуминсоний қадриятларни ҳамма нарсадан устувор деб билиш орқали эришилади;

- ташаббускорлик - бунёдкор ғояларни амалга ошириш борасида, оилада, маҳаллада, жамоада, кишилар ўртасида ижобий ишлар, тадбирлар ташкилотчиси бўлиш ва ўзи ҳам иштирокчиси бўлиш орқали амалга оширилади;

- тараққийпарварлик - тараққиётнинг самарали босқичлари учун жонбозлик кўрсатиш, Ватан равнақи ҳақида тинмай қайғуриш ва кишиларни бундай буюк ғояларни амалга оширишга жалб қилиш орқали амалга оширилади;

- ижодкорлик - янгилик учун курашиш, фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларини таҳлил қила билиш ва ундан ўзининг фаолиятида оқилона фойдаланишга эришиш, доимо ўз устида ишлаш орқали эришилади;

- билимдонлик - ўзи эгаллаган соҳанинг устаси бўлиш ва бунда дунё бўйича бўлаётган илғор бунёдкор ғояларни мунтазам равишда кузатиб бориш орқали эришилади;

- онглилик - ўзи қилаётган ишларга муносабатлари ва уларнинг ўз фаолиятида аҳамиятини таҳлил қилиш, меҳнатга, ижодга ва тараққиёт йўналишларига соғлом фикр билан қараш орқали эришилади;

- жисмоний камолот - мунтазам равишда ўз соғлиги ва атроф- муҳитнинг тозалигини сақлаш орқали эришилади.

Миллий ғояни ўқувчи-ёшлар қалбига ва онгига сингдириш **шакллари** ҳозирги пайтда қуйидаги йўналишларда яхши натижалар бермоқда:

- бошланғич синфда ўтиладиган ўқиш дарсларини ўқитиш орқали;

- фан ва илмий муассасалар ҳамда уларда яратилаётган дарслик, ўқув кўланма, услубий тавсиянома ва кўрсатмалар, кўргазмали воситалар орқали;

- маданий-маърифий муассасаларда олиб борилаётган оммавий тадбирлар орқали;

- адабиёт ва санъат асарлари ҳамда уларнинг театрлаштирилган кўринишлари, шунингдек, ҳужжатли филмлар орқали;

- ҳадис илмидаги комилликка интилиш ғояларининг бугунги ҳаётимиздаги талқини мисолида;

- оила, маҳалла, меҳнат жамоаларидаги фаолият орқали;

- жисмоний тарбия ва спорт бўйича мусобақаларни (спартакиадалар, универсиадалар ва ҳоказоларни) ташкил қилиш орқали;
- оммавий ахборот воситаларидаги кўрсатув ва эшиттиришлар («Ҳидоят сари», «Зиё», «Маънавият»...) орқали;
- нодавлат ташкилотларнинг фаолият йўналишлари орқали.

Миллий ғояни ўқувчи-ёшлар қалби ва онгига сингдириш **воситаларини** қуйидагича ифодалашни лозим топдик:

- таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг ёшига қараб миллий ғояни сингдириш бўйича ўқув дастурини яратиш;
- миллий ғояни теран акс эттирувчи ўқув дастурлари, дарслик, қўланмалар ва кўргазмалар қурулган яратиш;
- бугунги тараққиётни, олийжаноб орзу-умидларимизни акс эттирадиган адабиёт, кино, мусиқа ва тасвирий санъат асарларини яратиш;
- жисмоний тарбия ва спортга оид оммавий тадбирларни («Баркамол авлод орзуси» спорт ўйинларини кўриги, универсиада, спартакиада ва шу кабилар) уюштириш;
- таълим-тарбияга информацiон техникаларни ( ЭҲМ масофавий таълим, Интернет кабиларни) қўллаш;
- турли фанларни ўзлаштиришга қаратилган таълим берувчи, мулоқотли дастурлар, компютерли тизимлар, автоматлаштирилган тизимларнинг миллий ғоя билан суғорилган вариантларини тайёрлаш;
- таълим-тарбияда жаҳоннинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва жорий этиш имкониятларини яратиш;
- миллий ғояни ўқувчи-ёшлар қалбига ва онгига сингдиришнинг илғор таълим технологияларини яратиш.

Миллий ғояни ўқувчи-ёшлар қалби ва онгига сингдириш **усуллари** эса қуйидагилардан иборат:

- ўқувчилар онгида миллий ғояни шакллантириш жараёнини узлуксиз, мунтазам равишда олиб бориш;
- мунтазам равишда ўқитувчиларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштира боришларига эришиш, бунда илғор таълим технологияларидан фойдаланиш;
- ўқувчи-ёшларга ибрат-намуна бўла оладиган баркамол инсонлар ва давримиз қаҳрамонлари билан учрашувлар ташкил қилиш;
- ўқувчи-ёшларга ибрат-намуна бўладиган баркамол инсонлар, давримиз қаҳрамонлари образини яратиш орқали миллий ғояни илгари суриш;
- миллий ғояга зид ғояларнинг зарарли моҳиятини очиб берувчи адабиёт ва санъат асарларини яратиш;
- ҳадис илмига асосланган поклик, меҳр-оқибатлилик ва ҳоказолар борасидаги таълим-тарбия кўламини кенгайтириш;
- жисмоний тарбия ва спорт орқали инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш;
- таълим-тарбия жараёнида назарий ва амалий дарсларда илмий асосланган содда ва самарали кенг кўламдаги маълумотлар бериш;
- миллий ғояни бошланғич синф ўқувчилари онгига сингдиришда илмий кўргазмалиликка эътибор бериш;
- мактаб билан оила, маҳалла ва бошқа нуфузли ташкилотлар ўртасида миллий ғоянинг жамият тараққиётидаги ўрни ва нуфузи борасида анжуманлар уюштириш;

- миллий ғоя мақсад ва вазифалари асосидаги баҳс, мунозара, давра суҳбатлари, сахна кўринишлари, беллашувлар ташкил қилиш;
- оммавий ахборот воситалари ёрдамида ахборотлар оқимини мунтазам равишда кузатиб, таҳлил қилиб бориш ва керакли жойларда уларнинг жамиятимиз тараққиётига таъсири ҳақида чиқишлар қилиш;
- миллий ғояни ўқувчилар онгига сингдиришга уларни миллий ғояни тарғиб-ташвиқ қилишга тайёрлашни ҳам эътиборга олиш;
- миллий ғояни ўрганганлик мезонини ишлаб чиқиш ва жойларда уларни жорий қилиш, юқори натижаларни кўлга киритган ёшларимизни «Ватан тараққиёти, юрт озодлиги, халқ фаровонлиги фидойиси» деб эълон қилиб, рағбатлантириш.

Демак, таълим-тарбиянинг барча босқичларида Миллий ғоянинг бош ва асосий ғояларини ўқувчи-ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг шакллари, воситалари, йўларидан кенг фойдаланиш шубҳасиз ўзининг ижобий самараларини беради ва келажак жамият тараққиётига мос бўлган миллий ғояни ўрганиш ва тарғиб қилишнинг турли хил илғор шакллари, воситалари, усулларини кашф қилишга ва ҳаётга тадбиқ қилишга илҳомлантиради.

Ватанимиз мустақиллиги бугун бизга озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек буюк мақсадни амалга оширишда қатнашиш - ватанпарварлик бурчимиз эканлигини ва бундай эзгу мақсадга эришишда ғоявий тарбиянинг илғор самарали восита ва усулларини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш ҳар қачонгидан ҳам зарурлигини таъкидламоқда. Шу сабабли ҳам мазкур ишга миллий мафкурани ўқувчи-ёшлар онгига сингдириш ва уларни тарғиб қилишга тайёрланишнинг илмий асосларини ёритишни мақсад қилиб қўйдик.

Буни амалга оширишда эса «Миллий ғоя» номли ўқув фанини жорий этиш айтиш муддао бўлди. Таълим-тарбия муассасаларида фаолият

кўрсатаётган барча мутахассислар, олий маълумотлилар ва зиёлилар бугунги кунда келажагимиз бўлмиш баркамол авлод тарбиясида, айниқса, миллий истиқлол ғоясини ўргатишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бермоғи лозим:

- Миллий ғояни тарғиб қилишнинг илғор, замонавий услубларидан фойдаланиш ва уларни ёшлар онгига таъсирини назорат қилиш;

- Миллий ғояни тарғиб қилишда теварак-атрофдан амалий мисоллар келтириб, баҳс-мунозарани суҳбат тарзида олиб бориш ва суҳбат охирида уларда шаклланган билимларни эшитиш, аниқлаш ҳамда баҳолаш;

- ўқитувчи ва ўқувчи орасида ўтказилаётган машғулот бўйича умумий ҳамфикрлиликни ўрнатиш, оммавий ахборот воситаларидан тарқалаётган дунёнинг муҳим воқеалари билан боғланган ҳолда, иложи бўлса Интернет тармоғидан олинган маълумотлар асосида таълим- тарбия ишларини олиб боришда ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслик;

- теварак-атрофимиздаги воқеалар асосида ўқувчиларда бунёдкор ва вайронкор ғояларнинг жамият тараққиётига салбий ва ижобий таъсирларини сингдириш. Булар асосида ўқувчи-ёшлар онгига инсонийлик хислатларининг шаклланганлигини (анкета, савол-жавоб, иншо ёздириш, таниқли олимлар билан учрашувлар ўтказиш ва шу каби тадбирлар асносида) аниқлаш;

- ўқувчи-ёшлар қалби ва онгига Миллий ғояда акс эттирилган бош ва асосий ғояларнинг инсонпарвар ғоялар эканлигини кўрсата билиш ва шу асосда мустақиллигимизни авайлаб-асраш ва мустаҳкамлаш Ватан олдида олий мақсадимиз ҳамда бурчимиз эканлигини сингдиришимиз керак.

Миллий ғоянинг асосий мақсади, биринчидан, халқимизни буюк келажакка ишонч ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, иккинчидан, жонажон ватанимизда яшовчи ҳар бир инсонни (уларнинг тили, дини, миллатидан қатъий назар) ягона мақсад, Ватан бахт-саодати йўлида виждонан хизмат қилишга йўналтириш, учинчидан, бой ўтмиш меросимизга, яъни улуғ авлод-аждодларимизга муносиб бўлиш, тўртинчидан, миллий

кадриятимизни ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш ва ниҳоят, бешинчидан, юксак фазилатли баркамол авлодни тарбиялаш ва уларни бунёдкорлик ишларига жалб қилиш ҳамда она-Ватанимизни муқаддас деб билиш туйғуларини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ватанимиз истиқлол мафкураси халқимизнинг асосий мақсади ва эзгу-тилакларини ифодаладиган, халқлар тарихини келажаги билан боғладиган буюк ғоявий қуролимиздир. Шу сабабли ҳам Миллий ғояни отабоболаримизнинг қанчадан қанча қон тўкишлари ва бошқа турли машаққатли саъй-ҳаракатлари туфайли қўлга киритилганлигини ёшлар қалби ва онгига сингдириш, уларни турли реакцион оқимлар ва гуруҳларга қўшилиб кетишидан сақлаб қолишда барча фан ўқитувчилари, ишчи ва ходимлар, шунингдек, маҳалладаги жамоалар ҳам масъул бўлишлари керак.

Улар томонидан «Маънавият бурчаги», «Маънавият-маърифат хонаси», кўргазмалар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга, кўрсатмалар, услубий тавсиялар ва Миллий ғояни ўрганиш ва ундаги турли фанларни ўрганишда фойдаланиш ҳақидаги таклифларни бериб бориш учун «Таклифлар ва мулоҳазалар» қутичаси ташкил этиш, булардан ташқари турли оммавий тадбирлар: давра суҳбатлари («Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Мустақил Ўзбекистон мафкураси», «Президентимиз - фахримиз», «Ўзбекистон - улкан имкониятлар мамлакати», «Бой ўтмиш меросимизга содиқ бўлайлик», «Ўзбекистон - Ватаним маним» ва бошқа шу кабилар); баҳс-мунозаралар («Мустақиллик бизга нима берди?», «Мустақилликни мустаҳкамлашга мен қандай ҳисса қўшдим?», «Бахтимиз қомуси - бизнинг ҳимоячимиз», «Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқон», «Бугунги ёшлар дунё бўйлаб илм оляптилар», «Биз кеча қандай эдик, бугун қандаймиз, эртага қандай бўлишимиз керак?», «Миллий кадриятларимизга ҳурмат бажо келтира оляпмизми?», «Мен мустақил давлат фуқаросиман, деб ким айтиши керак ва қачон?» каби мавзуларда тадбирлар) ўтказиш самарали натижа беради.

Ўтказилаётган оммавий тадбирлар турли фанларни ўқитиш жараёнини Миллий ғояни ўрганишга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Миллий мафкура юзасидан машғулотларни олиб бориш ҳамда мафкуравий тарбияни амалга оширишда ўқувчиларнинг ёши диний дунёқараши, шахсий психологик хусусиятларни ҳисобга олиш лозим. Бунинг учун ушбу хусусиятларининг асосий белги ва сифатлари ҳақида тегишли илмий маълумотларни билиш талаб қилинади. Масалан, ўқувчиларнинг ёши, тафаккури, идрок ва қобилиятлари даражасига мувофиқ равишда табақалаштирилган ва босқичма-босқич таълим усуллари танлаш яхши самара бериши мумкин. Энг муҳими, мафкуравий таълимни шундай ташкил этиш керакки, ўқувчилар ушбу машғулотларда миллий истиқлол ғоясининг ҳаётбахш кучини, жозибасини чуқур ҳис этиб, унинг моҳиятини теран даражада англаб етсинлар.

Республика таълим муассасаларида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқитишда маънавий юксалишлар даражасини аниқлаш, назорат қилиш механизми низоми бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Мазкур низомнинг иккинчи бўлим, 2.1 бандига мувофиқ умумий ўрта таълим мактабларининг 1-4-синфларида «Одобнома», 5-6-синфларида «Ватан туйғуси»; 7-9-синфларида «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанларини ўзлаштириш асосида мустақил ўрганиш ва назорат қилишнинг шакл ва усуллари бўйича услубий тавсиялар яратилди.

Ўқувчиларнинг бу фанлардан билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш механизми ишлаб чиқилди. Ушбу фанлар бўйича механизмда акс этган дарс шакллари, жумладан, «Саёҳат», «Ҳаракатли ўйинлар», «Суҳбат», «Баҳс-мунозара», «Давра суҳбатлари», «Кичик гуруҳлар» ташкил этиш, баён, иншо ёзиш, рефератлар тайёрлаш ҳамда тренинг-машғулотлар ўтказиш бўйича услубий тавсиялар тайёрланди.

«Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанини ўтишда янги педагогик технологияларнинг илғор, таъсирчан воситалари, инновацион усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Булар сирасига асосан қуйидаги ноанъанавий дарс усуллари киради:

1. Конференция дарси.
2. Семинар дарси.
3. Техника воситалари ёрдамида дарс ўтиш.
4. Бадиий ўқиш.
5. Ўйлаб топ («Эврика»).
6. Касбга боғлаб дарс ўтиш.
7. Баҳс-мунозара, суҳбат дарси.
8. Ёзма ишлар олиш.
9. Интеграция.
10. Илмий-оммабоп адабиётлардан фойдаланиш.

«Ўқиш» фани асосида ўқувчиларни Миллий ғоя руҳида тарбиялашда ҳар бир мавзуларни «Баҳс-мунозара» усулида ўтишда қуйидаги омилларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

- «Ақлий ҳужум» усули
- Фикр ва ғоялар тўплами
- Фикр ва ғояларни гуруҳлаштириш
- Мунозара ўтказиш бўйича тадбирлар
- Таҳлил

«Баҳс-мунозара» машғулотини ўтказиш усули:

1. Ўқитувчи баҳс-мунозара машғулотини ўтказиш учун мавзу танлайди ва ўқувчиларни баҳс-мунозарада фаол иштирок қилишга таклиф этади.
2. Ўқитувчи ўқувчиларга мавзунини «ақлий ҳужум» усулида ечишни вазифа қилиб юклайди ва уни ўтказиш тартибини белгилайди.

3. Ўқитувчи «ақлий хужум» вақтида ўқувчилар томонидан билдирилган фикр ва ғояларни ёзиб боришни болалардан бирига топширади. Бу босқичда ўқитувчи гуруҳ қатнашчиларининг ҳар бир аъзоси ўз фикрини эркин билдиришга шароит яратиб беради.

4. Ўқитувчи иккинчи босқичга ўтишдан олдин қисқа танаффус эълон қилади. Танаффусдан сўнг машғулотнинг иккинчи босқичи бошланади.

5. Ўқитувчи ўқувчиларнинг фикр, ғояларини ўтказиш орқали ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсад, вазифаларини амалга ошириб, қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни янада мустақкамлашга эришади:

- ўқувчи Миллий ғоя маъно-мазмунини чуқур ўрганади, билими янада бойийди, мустақил дунёқараши, тафаккури ривожланиб боради;

- ўзининг фикрини эркин, мустақил баён этиш кўникмасига эга бўлади;

- эркин тафаккур қилиши натижасида фаоллиги ошади. Бунёдкорлик ишларига илҳомлантирувчи омил, воситаларни билиб- ўрганиб боради;

- янгича фикрлаш, ташаббускор ва шиддаткор бўлиш қобилиятига эга бўлади;

- қалбида мустаҳкам эътиқод, мустақил дунёқараш асосларини шакллантириш, ривожлантириш имкониятига эга бўлади.

Мустақил мутола орқали малака ошириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- касбий маҳоратни ошириш;
- методик маҳоратини ошириш;
- педагогик ва психологик билимларни бойитиш;
- миллий истиқлол ғояси, маънавият, маърифат масалаларини ўқиб-ўзлаштириш, ўқув жараёнига татбиқ этиш.

Мустақил мутола жараёнида ўқитувчи биринчи манбалар, хрестоматиялар, маълумотлар ва бошқа адабиётлар билан ишлайди. Биринчи навбатда, Президентимиз Ислом Каримовнинг мафкура, маънавият масалаларига бағишланган асарлари, маъруза ва нутқларини ўрганади.

## **II.2. 4-синф ўқиш дарсларида ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш имкониятлари.**

Ўқиш дарсларида ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш имкониятларининг тажрибадаги натижаларини таҳлил қилиш мақсадида, биз Термиз шаҳар 9-умумий ўрта таълим мактабида тажриба синов ишларини ташкил этдик.

**Тажриба-синовнинг мақсади:** Ўқиш дарсларида ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш усуллариининг ўзига хос хусусиятларининг ижтимоий-педагогик жиҳатлари билан таништириш. Бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялашга ёрдам беришдир.

**Тажриба-синовдан кутилган натижа:** мазкур ишнинг бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялашда баъзи ўқитувчиларнинг айрим жиҳатларга тайёр эмаслиги, педагогик технологиялардан фойдаланиш даражаси сустлиги натижасида дарсларнинг самарадорлиги ва муаммоларни, бартараф этиш йўллариини билиши ва кўникмалардан хабардор бўлиш имконини беради.

**Тажриба-синовни амалга ошириш технологияси:** интерфаол методлар.

**Шакл:** кузатиш, суҳбат, кичик гуруҳларда ишларни амалга ошириш.

**Метод:** муаммоли таҳлил, оғзаки баён, Б,Б,Б, кластер.

**Ҳозирги кундаги самарали технологиялар:** савол-жавоб, тарқатма материаллар, анкета сўровномалари, мултимедия воситалари.

**Назорат:** гуруҳлараро оғзаки сўров, қиёсий таҳлил ўтказиш.

**Баҳолаш:** рағбатлантириш ва ўз-ўзини фаолиятли баҳолаш.

Таdqиқотнинг бориши: уч босқичда амалга оширилди.

**1-босқич** (ташкилий-йўналтирувчи). Мактабнинг 4-синфларидан 4“А” ва 4-“В” синфлари тажриба синов ишларини ўтказиш учун танлаб олинди. Улардан таълим самарадорлигини аниқлаш мақсадида, ўтилган боб юзасидан, назорат тести олинди. Олинган назорат ишининг таҳлил

натижаларига кўра танланган, 4“А” синф, 4“В” синфларнинг самарадорлик даражаси куйдагича аниқланди.

1) 4- “А” синф, жами ўқувчилар сони 27 нафар, фан: Ўқиш

5-балл-8 нафар

4-балл-11 нафар

3-балл- 7 нафар

2-балл- 1 нафар

Олинган натижаларга кўра самарадорлик 70 % ни ташкил қилди.

2) 4- “В” синф, жами ўқувчилар сони 28 нафар, фан: Ўқиш

5-балл-8 нафар

4-балл-12 нафар

3-балл- 6 нафар

2-балл- 2 нафар

Олинган натижаларга кўра самарадорлик 71 % ни ташкил қилди.

Кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, бошланғич синф ўқитувчилари билан ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш усуллари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди. Ҳар бир ўқитувчи билан якка тартибда шуғулланилиб, куйдаги муаммоли саволлар билан мурожаат этилди.

1. Миллий ғоянинг мазмуни ҳақида маълумот беринг ?
2. Бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялашда дарсларда қандай усуллардан фойдаланасиз?
3. Миллий ғоя ўқувчилар қалби ва онгида қандай таъсир кўрсатади?

Ушбу саволларга ҳар бир ўқитувчи ўз таҳлилий муносабатини аниқ, ишончли маълумотлар билан баён қилиши кераклигини тушунтирдик. Таҳлил куйдаги босқичларда олиб борилиши ўқитувчиларга тавсия этилди:

- келтирилган муаммоли вазиятдан ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларини топиш.
- муаммоларини келтириб чиқарган ижтимоий, психологик, биологик омилларни таҳлил қилиш.
- таълим маммоларининг ечимини таклиф этиш ва тавсиялар бериш.

**2-босқич** (фаолиятли). Ҳар бир ўқитувчи келтирилган муаммоли вазият бўйича ўз таҳлилларини таклиф этишди. Масалан, 4-синф ўқитувчилари келтирилган муаммоли вазият, таълимда ўта муҳим эканлигини таъкидлаб, мазкур муаммолар жавобларини қуйдагича изоҳлашди.

Биринчидан, миллий ғоя жамият маънавий ҳаётининг узвий қисми, кишилар, ижтимоий ва этник гуруҳлар фаолиятининг дастурига айланиб бормокда. Бу миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг ижтимоий-тарихий моҳияти ва этник жараёнлар билан ўзаро алоқадорлигини ўрганишни ҳаётий-амалий эҳтиёжга айлантирмокда.

Иккинчидан, дарсларда интерфаол методлардан яъни ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, кластер, Б,Б,Б, савол-жавоб, мунозара ва ролли ўйинлар ўтказилади.

Учинчидан, ўқувчилар онгида миллий ғояни сингдириш уларнинг она ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш самарадорлигини оширади.

Ҳар бир ўқитувчи дарсларида ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш лозимлиги эътироф этилиб, уларга қуйдаги **тавсиялар** берилди:

- миллий ғоянинг ўқувчилар онгига сингдиришда барча ўқитувчилар томонидан тарғибот-ташвиқот олиб бориш;
- миллий ғоя мазмун ва моҳияти ҳақида ўқитувчиларни янгиликлардан хабардор қилиб бориш;
- миллий ғоя мазмуни ёритилган видео лавҳаларни мунтазам равишда ўқитувчи ва ўқувчиларга тақдим қилиб бориш;
- мактабларда миллий ғоя тарғиботчиларни таклиф этиб, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбат, учрашув ва турли танловлар ўтказилиб турилиши.

Шу тартибда барча бошланғич синф ўқитувчилари ўз жавоблари билан катнашиб, таҳлил қилиб чиқилди.

Назорат иши олинган мактабнинг 4“А” ва 4-“В” синфлари тажриба синов ишларини ўтказиш учун танлаб олинди. 4 “А”-синфи, назорат

гуруҳига, 4- “В”-синф эса тажриба гуруҳига ажратилди. Биз, 4 “В”-синф, тажриба гуруҳида ўқиш дарсини интерфаол методлар асосида ташкил этдик.

Ҳозирги кунда интерфаол усуллар таълим жараёнига жадаллик билан кириб келмоқда. Шундай усуллардан бири тармоқлашдир. Тармоқлаш фикрларнинг тармоқланиши бўлиб, у ўқувчилар мавзуни чуқур ўзлаштиришига ҳамда мавзуга тааллуқли аниқ фикрни эркин равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашни ўргатади. Уларда мантиқий, ақлий, ижодий, танқидий ҳамда мустақил тафаккурини шакллантиришга ёрдам беради. Ушбу усул мавзуни ўранишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

- бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;
- мавзуни ўрганиш жараёнида унинг асосларини чуқур ангалаб етиш;
- яқунлаш босқичида ўзлаштирилган билимларни тартибга солиш.

Қуйида интерфаол асосида ташкил этилган бир соатлик дарс намунасини келтириб ўтамыз.

**Мавзу: Меҳнаткаш қиз.**

**Дарснинг мақсад:** Ўқувчиларни “Меҳнаткаш қиз” матни билан таништириш, яхши ўқиш сифатларни такомиллаштириш. Ўқувчиларда меҳнатга муҳаббат, инсонларга нисбатан меҳр-оқибат туйғуларни тарбиялаш.

**Дарснинг методи:** Савол-жавоб, кластер, тест ижодий изланиш.

**Дарснинг жиҳози:** Дарслик, тарқатма саволлар, тақдимот.

**Дарснинг бориши:**

I. Дарс ташкилий қисм билан бошланди. Ўқитувчи ўқувчиларнинг давоматларини синф навбатчиси ёрдамида аниқлаб, ўқувчиларнинг дарсга тайёрлигини аниқлайди.

II. Уй вазифаси “Жалолиддин Мангуберди ” матнини қуйидаги режа асосида қайта ҳикоя қилдирилади. Синф уч гуруҳга ажратилиб, режалар учта гуруҳга тарқатма савол қилиб тарқатилади. Саволларнинг кетма-кетлигига қараб, гуруҳлар ўз жавобларини намоиш этадилар.

1. Жалолиддин душманни тор-мор қилди.
2. Жалолиддиннинг аскарлари кетиб қолди.
3. Чингизхон Жалолиддиннинг мардлигига қойил қоди.

### **III. Янги мавзу баёни:**

1. “Меҳнаткаш қиз” матнини ўқишга тайёргарлик. Ўқувчиларга “Ўтмишда кишилар нима ишлар билан шуғулланганлар” ? муаммоли саволи берилиб, ўқувчиларнинг жавоби эшитилади. Ўқувчиларнинг жавоблари яқунланади.

2. “Меҳнаткаш қиз” матнини ўқитувчи ифодали ўқиб беради.

3. Асар юзасидан дастлабки суҳбат ўтказилади.

- Асар нима ҳақида экан?
- Асар сизга ёқдими?
- Унсин қандай экан?

### **IV. Мавзунини мустаҳкамлаш:**

а) Луғат иши ўтказилади.

Ўқитувчи сўз маъносини ўзи изоҳлайди.

Шон – маҳси тайёрлашда қўлланадиган асбоб.

Ўқувчилар матндан шон сўзи қатнашган гапни топиб ўқийдилар.


б) Асар режасини тузиш. Ажратилган уч гуруҳ, ҳар бири битта абзацни ўқиб режа тузади.

1. Унсин Шокир ота уйида.

2. Унсин кампирга кўмаклашди.

3. Унсин маҳси тикишни ўрганди.

в) Асар қаҳрамонлари устида ишлаш. Ўқувчиларга асар қаҳрамони Унсиннинг хусусиятлари акс эттирилган “Кластерни” яратиш топширилади. Иш қуйидагича якунланади (экранда қуйидаги слайд намойиш қилинади).



“Кластер” орқали ўқувчилар Унсин тимсолига тавсиф берадилар. Ўқитувчи ўтмишда ўзбек халқининг ҳаёти қандай кечганлиги, мустақиллик туфайли халқимиз озод, эркин ҳаёт кечираётганлиги ҳақида тўхталиб ўтади.

## V. Ижодий машқ.

Ўқувчиларга “Сиз уйда нима ишлар қиласиз? ” саволи берилиб, уларнинг ҳикояси эшитилади.

## VI. Тест билан ишлаш.

1. “Меҳнаткаш қиз” ҳикоясини ким ёзган?

а) Ойбек б) Абдулла Қаҳҳор с) Уйғун

2. “Меҳнаткаш қиз” ҳикоясидаги қизнинг исми нима?

а) Умри б) Унсин с) Умида

3. Шокир ота нима иш қилади?

а) Чойхоначи б) Махсидўз с) Кулол

4. Унсин Шокир отадан нима тикишни ўрганди?

а) Куйлак б) Туфли с) Махси

**VII. Дарс якунланади.** Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш.

-Дарсда қайси асарни ўргандик?

-Нима учун асар “Меҳнаткаш қиз” деб номланаган?

**VIII. Уйга вазифа:** “Меҳнаткаш қиз” ҳикоясини ўқиб келишга берилади.

4- “А”-синф назорат гуруҳида дарслар доимгидек ташкил қилинди.

**3-босқич**(таҳлилий). Бошланғич синф ўқитувчилари ўз тақлиф ва мулоҳазаларини якунлагач, ҳозирда ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш талаби қай даражада, кўпроқ дарсларни қандай ташкил этилишини, ўрганиш мақсадида бошланғич синф ўқитувчиларидан сўровнома ўтказдик. Сўровнома натижасига кўра, 100% қатнашчининг, 58% дарсларни кўпроқ қизиқарли қилиб, педагогик технологиялар асосида ташкил қилишни, 32% эса уларни маънавий бойликлар бўлган обидаларга саёҳат асосида дарсларни ташкил қилишни, 10% дарсларни суҳбатлар асосида баҳс-мунозаралар билан ташкил қилинган дарсларни ташкил қилиши кераклигини айтишди.

Ўқиш дарсларида ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш усулларининг ижтимоий, педагогик ва психологик жиҳатлари хусусида қўшимча илмий-назарий маълумотлар берилиб, миллий ғоя ва миллий ғурур ҳақидаги видео роликлари намойиш этилди.

4-“В”-синф тажриба гуруҳида ўқиш дарслари ноанъанавий тартибда қўлланилганлиги ўқиш дарсларида ўқувчиларни миллий ғоя руҳида

тарбиялаш усулларининг ўзига хос хусусиятлари бошланғич синф ўқитувчиларининг мазкур йўналишдаги педагогик саводхонлик даражасининг ривожланиб бораётганлигини улар билан олиб борилган ишлар мазмунида кўзга ташланди ва аниқланди.

Натижалар таҳлилини методик жиҳатдан, таҳлил этар эканмиз, бошланғич синфларда дарсларни интерфаол методлар асосида ташил этилиши, ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш даражасини оширишда ижобий таъсир кўрсатади. Олиб борилган эксперимент таҳлил натижаларига кўра танланган, 4-“А” синф назорат гуруҳи, 4- “В” синф тажриба гуруҳи самарадорлик даражаси қуйдагича аниқланди.

3) 4- “А” синф назорат гуруҳи, жами ўқувчилар сони 27 нафар

Фан: Ўқиш

5-балл-8 нафар

4-балл-12 нафар

3-балл- 5 нафар

2-балл- 2 нафар

Олинган натижаларга кўра самарадорлик 74 % ни ташкил қилди.

4) 4- “В” синф тажриба гуруҳи, жами ўқувчилар сони 28 нафар

Фан: Ўқиш

5-балл-10 нафар

4-балл-14 нафар

3-балл- 3 нафар

2-балл- 1 нафар

Олинган натижаларга кўра самарадорлик 85 % ни ташкил қилди.

Дарсларни интерфаол методлар асосида ташкил этилиши самарадорликни юқори бўлганлигини тажриба-синов ишимиз давомида кўрдик. Ўқиш дарсларида ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш ўзига хос педагогик шароит ва махсус ташкил этилган таълим жараёнини талаб этиб бунда:

- таълим жараёнида тизимли-фаолиятли ёндошув;

- дарсларда халқ педагогикаси намуналаридан доимий фойдаланиш;
- ота-оналарнинг фарзанд тарбиясида доимий назорати;
- маҳалла ва оилаларда маънавий-маърифий ишларни доимий ўтказиш;
- нафақат фарзандлар, балки ота-оналарнинг ҳам бу соҳалардаги амалий саводхонлигини ошириш;
- ўқиш дарсларида ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш усуллариغا қаратилган дарсларнинг янгича шакл методларини излаб топиш, амалиётга жорий этиш ҳамда бунда замонавий педагогик технологиялардан ўринли фойдаланиш, мақсадга мувофиқдир.

## Умумий хулоса ва тавсиялар

Миллат ва миллий ғоя масаласи долзарблиги глобал, минтакавий ва ҳудудий геосиёсатда этник омил ролининг ошаётгани билан ҳам белгиланади. Ҳозирги кунда республикамизда катор тадқиқотчилар миллий ғояни ёшлар онига сингдириш масалалари бўйича изланишлар олиб борганлар. Мазкур тадқиқотларда ёшларда миллий ғояни шакллантириш муносабатларини қарор топтиришга йўналтирилган жараён ва мазмун илмий асосда ўрганилган. Манбаларнинг таҳлилидан маълум бўладики, биз ўрганган барча тадқиқот ишларида ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш муаммоси тадқиқот мавзусига боғлаб у ёки бу тарзда ёритилган. Бу эса бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялаш усуллари муаммоси доирасидаги кенг қамровли илмий изланишларни туғдиради. Бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялаш усуллари асосан улардаги:

- миллий ғоя мазмуни ва моҳияти;
- бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг мавжуд ҳолати;
- бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялаш усуллари;
- 4-синф ўқиш дарсларида ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш имкониятларини кўзда тутати.

Мазкур жиҳатларни шаклланиши бошланғич синф ўқувчилари яъни ёшлар бўлғуси мутахассис ҳаёт давомчилари шахсига бўлган жиддий эътибор, индивидуал ёндошувни талаб этади. Бундай ёндошувнинг амалдаги таъсирчан воситаси эса тарбиядаги мақсадли ҳамкорлик ҳисобланади. Республикамиз аҳолисининг тахминан 65% дан ортиқ аҳолисини 30 ёшгача, шундан 48% дан ортиғини 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бинобарин, мана шу ёшлар Ўзбекистонимизнинг эртанги давомчилари ҳисобланади. Шу боисдан ҳам уларни ҳақиқий ворис бўлиб шаклланишлари учун ҳар бир

шахсдан оиласидаги тарбияга теран назар билан боқишлик тақозо этилади. Илмий кузатишлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган баъзи ахборотларнинг 70% ни 5 ёшгача бўлган даврда олар экан. Болаларнинг онги 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавийнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди.

Биз ўқиш дарсларида ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш усуллари юзасидан олиб борилган кузатиш, назарий ва амалий таҳлиллар натижаларидан қуйидаги хулосаларга келдик.

Биринчидан, бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялаш усуллари ижтимоий зарурат ҳисобланиб, бу жараёнда таълим муассасаларида ўқитиладиган барча фанларда, хусусан Ўқиш, Одобнома, Ватан туйғуси фани алоҳида ўрин тутди.

Иккинчидан, бошланғич синф ўқувчилари тарбиясида миллий ғоя мазмуни ва моҳияти унинг тарихий асослари, миллий қадриятларимизга таяниш ва таълим муассасаларидаги педагогик жараёнда улардан самарали фойдаланиш кутилган натижаларни берди.

Учинчидан, бошланғич синфларда олиб бориладиган ўқиш дарслари мазмунида халқ педагогикаси намуналарининг ёритилиши ва бунда тарбия фаолиятини ташкил этишнинг ноанъанавий шакл, метод ва воситалардан фойдаланиш ўқиш дарсларида ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш усулларига ижобий таъсир кўрсатади.

Тўртинчидан, бошланғич таълимда шахс тарбияси маънавий маданиятининг шаклланишида етакчи омил эканлиги ҳисобга олинса, ота-оналарни фарзандларини миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни борасидаги педагогик билимлар билан қуроллантириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Олиб борилган илмий, назарий ва методик ишлар натижаларига асосланиб, ўқиш дарсларида ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш

усуллари самарадорлигини ошириш учун қуйидаги **тавсиялар**ни тақдим этиш мумкин:

- жамиятнинг соғлом, рақобатбардош ва ижтимоий фаол ёшларга қўяётган талаблари асосида бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя руҳида тарбиялаш усуллари мақбул тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;
- таълим муассасаларида миллий ғояни сингдиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини белгилашда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- таълим муассасаларида ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрнига хизмат қилувчи “Оила ва маҳала маркази” махсус тўғаракларни ташкил этиш;
- оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш асосида тадқиқот доирасида махсус эшиттиришлар, видео роликлар, ижтимоий лойҳаларни ишлаб чиқиш ва намойиш этиш;
- оила, маҳалла ва нодавлат ташкилотларини бошланғич синф ўқувчиларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш усуллари борасидаги ҳамкорлигининг мавжуд мазмунини, шакл ва методлари тизимига инновацион ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Шарқ”нашриёти матба концерни, 40-б, 2012 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”//Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 243-б, 1998 йил.
3. Каримов И.А. Ватан саждагох каби муқаддасдир. Т.3.-Т.:«Ўзбекистон», 1996. - Б. 283-284 б.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод-орзуси –Т.: “Ўзбекистон”, 246-б, 1996.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996 йил, -Б.358-б.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998, Б.256 б.
7. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9. -Т.: «Ўзбекистон», 2001, 275-б.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008, Б.176 б.
9. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир -Т.: «Ўзбекистон», 2000, 6-бет.
10. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.:“Ўқитувчи”, 1996 .
11. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.:“Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси”, 1993 йил.
12. Абу Райҳон Беруний. Ҳикматлар. –Т.: “Ёш гвардия”, 1973 йил.
13. Афанасьева Т.М. Оила. –Т.: “Ўқитувчи”, 1986 йил.
14. Арнаутова Е.П. Педагог и семья. –М.: 2001 г.
15. Ватан ва миллат, муқаддасдир. –Т.: “Маънавият”, 2000 йил.
16. Гадейбоев А. Халқ йўли-ҳақ йўли. –Т.: “Маънавият”, 2004 йил.
17. Деҳқонов М.Р. Мустақил Ўзбекистонда оила маънавиятини такомиллаштиришнинг дунёвий ва диний муаммолари.-Т.: “Ўқитувчи”, 2006.

18. Дилларда ватан мадҳи. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007 йил.
19. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адиб, ал-муфрад. Т.: “Ўзбекистон”, 1992 .
20. Исмоилов Ҳ. Ўзбек тўйлари. –Т.: “Ўқитувчи”, 1992 йил.
21. Йўлдошев Ж, Йўлдошева Ф, Йўлдошева Г. Интерфаол таълим сифат кафолати. –Т.: «Ўзбекистон», 2009 йил.
22. Кенжабоев А, Эргашева О, Кенжабоев Ж. Педагогик технологиялар дарс самарадорлигининг муҳим омили. –Т.: “Наврўз”, 2012 йил.
23. Мавлонова Р, Тўраева О, Холиқбердиев К. Педагогика.-Т.: “Ўқитувчи”, 2008.
24. Малицкий Н.Г. Тошкент маҳалла ва мавзелари. –Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
25. Мунавваров А. Оила педагогикаси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1994 йил.
26. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: “Ўзбекистон”, 286-б, 2005 йил.
27. Оилада баркамол авлод тарбияси. –Т.: “Фан ва технология”, 2010 йил.
28. Отавалиева У. Бола тарбиясида боғча ва оила ҳамкорлиги. –Т.: “Ўқитувчи”, 1994 йил.
29. Ризоуддин ибн Фахруддин. Оила. –Т.: “Меҳнат”, 1991 йил.
30. Ризоуддин ибн Фахруддин. Насихат. –Т.: “Чўлпон”, 1993 йил.
31. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли тарожимаси.А.Мансур. Т.:“Шарқ”, 1992.
32. Ҳасанбоева О. Оилада маънавий-ахлоқий тарбия. –Т.: “Ўқитувчи”, 1998.
33. **1-синф.** Ўқиш китоби, Т.Ғаффорова, Э.Шодмонов, Г. Эштурдиева, 9-нашр, “Шарқ” Т.: -2013 й.
34. **2-синф.** Ўқиш китоби, Т.Ғаффорова, Ш.Нуруллаева, З.Мирзаҳакимова “Шарқ” Т.: -2012 й.
35. **3-синф.** Ўқиш китоби, М.Умарова, Х.Ҳамроқулова, Р.Тожибоева, “Ўзбекистон” Т.: -2012 й
36. **4-синф.** Ўқиш китоби, С.Матчонов, А.Шожалилов, Х.Ғуломова, Ш.Сариев, З.Долимов, 4-нашр Т.: “Янги йўл полиграф сервис”-2013 й.

37. w.w.w. ziyonet.